

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси кузатув кенгаши

Кузатув кенгаши раиси

Ш. Садиков

"29" 09 2021й.

М.Ў.

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги

Вазир ўринбосари

О. Исаков

"29" 09 2021й. № Р0434-11

М.Ў.

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"Toshkent shahar Baholash va konsalting markazi" масъулияти чекланган жамияти рахбари Нажмиддин Б.Н

"Toshkent shahar Baholash va Konsalting Markazi" М.Ў. 2021й.

М.Ў.

"ТАСДИҚЛАНГАН"

"Express Estimate" масъулияти чекланган жамияти рахбари Мехмонов Ш.

"29" 09 2021й.

М.Ў.

ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси

Берилган идентификация рақами:

Р 4 1 1 1 Р 0 4 3 4 7 9

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги номинал қиймати 1 154 (бир минг бир юз эллик тўрт) сўм бўлган 139 098 083 554 (бир юз ўттиз саккиз миллиард тўққиз юз тўқсон саккиз миллион саксон уч минг олти юз саксон тўрт) сўмлик 120 535 601 (бир юз йигирма миллион тўрт юз қирқ саккиз минг тўққиз юз қирқ олти) дона оддий акциялар.

Мазкур акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади

Ушбу акциялар чиқарилиши ўн биринчи чиқарилиш ҳисобланади

"Ўзбектелеком" АК кузатув кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 365-сон мажлис баённомаси билан тасдиқланган. "Ўзбектелеком" АК кузатув кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 365-сон мажлис баённомаси билан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили: юридик манзили: 100084, Тошкент ш., Амир Темур кўч., 97 А.
почта манзили: 100011, Тошкент ш., Алишер Навоий кўч., 28 А, info@uztelecom.uz.
Тел.: 71 239 23 07, факс 71 236 01 88.

Бош директор:

Н.Н. Хасанов

Бош бухгалтер:

А.Ш. Ахунбаев

Мухр

"29" 09 2021й.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **ҳужжатсиз**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 154 сўм**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **120 535 601 дона**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **139 098 083 554 сўм**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:
Компания акциядорлари реестрига киритилиши;
депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
Компания тугатилган тақдирда, ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
Компания бошқарувида иштирок этиш;
Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга;
ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Компания уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна йўли билан Компания акциядори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **192 458 307 302 сўм**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Ҳужжатсиз оддий эгасининг номи ёзилган акциялар 156 910 477 дона.

Ҳужжатсиз имтиёзли эгасининг номи ёзилган акциялар 9 864 486 дона.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Компания томонидан 20 000 дона ҳужжатсиз фоизли эгасининг номи ёзилган облигациялар жойлаштирилган.

Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2008 йил 26 августдаги 15-07/183-сонли қарорига асосан, ушбу облигациялар муомала муддати тугаганлиги сабабли бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна): **Ушбу чиқарилаётган акциялар ёпик обуна йўли билан Компания акциядори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Ушбу чиқарилаётган акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади.**

- Жойлаштиришни бошланиш санаси – **Ушбу чиқарилаётган акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига жойлаштирилади.**

- Жойлаштиришни тугатиш санаси – **ушбу чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган кун, лекин қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар биржадан ташқари уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри битимларни тузиш йўли билан жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш бўйича андеррайтерлар жалб қилинмайди.**

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумот:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси:

Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107, 3-қават, телефон: 71 267-37-42, факс: 71 267-36-42, расмий веб-сайт: www.deponet.uz электрон манзили: info@deponet.uz

“Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI” акциядорлик жамияти;

Манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107; Тел.: 71 267-35-20, расмий веб-сайт: www.ndvakt.uz, электрон манзили: info@ndvakt.uz

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу чиқарилаётган акцияларни жойлаштиришда акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқи кўзда тутилмаган.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Ушбу чиқарилган акциялар 1 154 сўмдан жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 19 мартдаги “Мобил алоқа миллий оператори тармоғини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 66-сон қарори, Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2018 йил 12 февралдаги 22к-ПО-сон буйруғи (“Toshkent shahar Baholash va konsalting markazi” МЧЖ томонидан баҳоланган, лицензия рақами: 0037, BL 001, RR0186, санаси: 2014 йил 17 июл, юридик манзили: Тошкент ш., А.Темур шох к., 16А уй), Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 10 мартдаги 59и/ч-сон буйруғи (“Express Estimate” МЧЖ томонидан баҳоланган, лицензия рақами: RR0167, санаси: 2015 йил 20 октябрь, юридик манзили: Тошкент ш., Юнусобод т., Олой**

к., 1 уй)га асосан ушбу чиқарилаётган акциялар учун тўлов пул ва мол-мулк кўринишида амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган, деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, ушбу ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб акциялар учун тўланган пул маблағлари 10 (ўн) кун ичида акциядорларга тўлиқ қайтариб берилади.**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: **Компаниянинг қўшимча акциялари чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли билан Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28 А-уйда жойлашган маъмурий бинода танишиш мумкин.**

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда Компаниянинг расмий веб сайтида (www.uztelecom.uz) қонунчиликда белгиланган тартибда ошкор этилади.

13. Бошқа маълумотлар. **Кўзда тутилмаган.**